Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 13 август, шанба • № 65 (11.764) • Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 14 йиллиги

Янгийўл шаҳридаги «Олтин дон компанияси» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган тўрт турдаги тез тайёрланадиган «Лаззатли лағмон» маҳсулотлари ўзининг сифати, хуштаъмлиги билан истеъмолчиларни мамнун этмоқда.

## «ОЛТИН ДОН»НИНГ ЛАЗЗАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ





СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Ҳадича Ҳамроқулова; ишлаб чиқариш цехи ходимлари Ниара Асанова, Кан Нинг ва Ирода Бўтаевалар маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

Корхона 2004 йилда 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, шу йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич 50 миллион сўмни ташкил этди.

— Хитой технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган «Лаззатли лағмон» маҳсулотлари айни пайтда ички бозорни таъминлашда қўл келмоқда, — дейди қўшма корхона бош директори Ян Ланминь хоним. — Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларни бугун исталган дўкон пештахталарида учратишингиз мумкин. Келгусида маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш учун изланишлар олиб бораяпмиз.

Корхонанинг айнан Янгийўл шаҳрида ташкил этилишидан кўзланган мақсад маҳаллий ёшларни иш билан таъминлашдир. Бугунги кунда бу ерда 70 киши меҳнат қилмоқда.

Истиқлол туфайли мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида қад кўтараётган бундай корхоналар ўз маҳсулотларини жаҳон бозори талаблари даражасида ишлаб чиқаришга ва янги хорижий технологияларни жорий этишга катта куч-ғайрат сарфламоқдалар.

**Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Элимизда катта тантаналар, тўй-маъракалар олдидан тураржойлар атрофи, маҳаллалар ва кўча-хиёбонларни ободонлаштириш, саранжом-саришта ҳолга келтириш учун ҳашарлар ўтказишдек эзгу одат бор. Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик куни олдидан юртимизда умумхалқ ҳашари ўтиши яхши анъанага айланган. Бу йил умумхалқ хайрия ҳашари 13-14 август кунлари бўлиб ўтади.**

## УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Аслида мазкур тадбирга тайёргарлик анча илгари бошланган. Август юртимизда ободонлаштириш ойлиги деб эълон қилинган. «Ўз уйим, ўз маҳаллам» шиори остида ўтажак ушбу муҳим тадбирга бош-қош бўлиш Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, маҳаллий ҳокимликлар, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига юкланган.

Ҳашар давомида барча шаҳар ва туманлардаги кўчалар, майдон ва хиёбонлар тартибга келтирилади. Маҳаллаларда, тураржой мавзеларида, даҳаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилади. Сув ва канализация тармоқлари тозаланади.

Умумхалқ хайрия ҳашарида 13 миллиондан зиёд ватандошимиз иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

*Ватан — муқаддас макон*

## ЮРТНИ СЕВМОҚ — САОДАТ, КУЙЛАМОҚ — БАХТ!

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари, халқ таълими, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ҳамкорлигида вилоятимиз бўйлаб сафарга чиққан автопоезд Ангрен, Ўртачирчиқ, Оҳангарон шаҳар ва туманларида бўлди.**




— Бугун мактаб ўқувчиларидан тортиб олий ўқув юртлари талабаларигача таътилда, — дейишди «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгашида. — Ушбу тарғибот автопоездини ташкил этишдан мақсад, ислоҳотларнинг бориши, ёшлар истиқболи учун яратилаётган шароитлар билан танишиш ва ёшлар ташкилотининг дастурий вазифаларидан келиб чиқувчи асосий йўналиш — жойларда ўқувчи ва талабаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, улар учун маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимларини шакллантиришдир.

Дастлаб, сайёр тарғиботчилар Ангрен шаҳрида бўлдилар. Улар ёшлар томонидан ташкиллаштирилган «Биз — истиқлол ёшлари» мавзудаги тадбирда иштирок этишди. Бугунги кун ёшларининг маънавий қиёфаси, мустақиллик, уни асраб-авайлашда уларнинг ўрни ва роли мавзуларида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Янгийўл шаҳридан келган Дарвишбек Раҳимов раҳбарлигидаги цирк жамоаси ҳамда вилоятимизнинг иқтидорли таэквондочилари, шунингдек, «Ангрен юлдузлари» шоу дастаси аъзоларининг чиқишлари барчада илиқ таассурот қолдирди...

... Оҳангарон тумани ҳокимлиги болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу йил Хотира ва қадрлаш куни арафасида туманда янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Автопоезд бу ерга етиб келганида ёшлар ўртасида кураш бўйича навбатдаги мусобақалар қизғин тус олган эди.

— Спортнинг миллий кураш турига қизиқадиган ёшлар кўп, — дейди туман ёшлари етакчиси А. Пардабоев. — Айниқса, янги спорт мажмуаси қурилганидан кейин бундай ёшлар сони яна ортди. Ҳозир бу ерда спортнинг барча турлари бўйича секциялар ишлаб турибди. Айни пайтда туман корхоналари, ташкилотлар, ўқув муассасалари, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари жамоалари ўртасида юртимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами муносабати билан миллий кураш, шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол, сузиш бўйича ҳам мусобақалар бўлаяпти. Мақсад, туманимиз ёшларининг саломатликларини мустаҳкамлаш, бўш вақтни фойдали машғулотлар билан мазмунли ўтказишларига янада кенг имкон яратишдир.

Мусобақалардан сўнг меҳмонлар ёшлар билан «Спорт — менинг ҳаётим», «Юрт тинчлиги — эл бойлиги», «Ватан — муқаддас макон» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказишди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шу куни Оҳангарон шаҳридаги болалар истироҳат боғи ҳам ёшлар билан гавжум бўлди.

Эл-юртга садоқат, истиқлол моҳияти, уни асраб-авайлаш каби мавзулар йиғилганларнинг асосий эътиборида бўлди...

Тарғибот поезди иштирокчилари уч кунлик сафар давомида Ўртачирчиқ, Зангиота, Қуйичирчиқ, Чиноз туманлари ва Янгийўл шаҳрида бўлиб, «Камолот» билан ёз — ўтар жуда соз!» акцияси ҳамда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ёшлар билан учрашув, турли қизиқарли тадбирларни ўтказдилар, дилдан суҳбатлашдилар.

— Август ойининг учинчи ўн кунлигида автопоезднинг вилоятимиз бўйлаб иккинчи сайёр сафари уюштирилади, — дейди «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Акмалжон Умаралиев. — Дастурга янги режалар, йўналишлар киритилган. Республикамиз мустақиллигининг 14 йиллиги ва Билимлар куни арафасида навбатдаги сафарни уюштирамиз. Ушбу сафар давомида «Камолот» ЁИҲ ва «Камалак» сафига янги аъзоларни қабул қилиш ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой*

## ЕРНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ



дейди бекободлик фермер Зулфия Абдураимова. «Обод Хуршидабону» фермер хўжалиги раҳбари бу гапни шунчаки айтмади, буни амалда кўрсатди.

Биз Зулфия Абдураимова билан Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг мамлакат фермерларига Мурожаатномаси матбуотда эълон қилинган кезларда учрашиб, айнан шу масала юзасидан гурунглашиб, унинг пахтачиликда орттирган тажрибаси, ҳал қилувчи ойда бажарилиши лозим бўлган энг зарур ишлар хусусидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини вилоятимиз фермерларига етказишни ният қилгандик. Суҳбатдошимиз гапни узоқдан бошлади. Биз ҳам унинг сўзини бўлмай, мароқ билан тингладик.

— Мен ўзимни «деҳқондан чиққан фермер» деёлмайман. Чунки, илгари қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши қўйиладиган фойдали ҳашаротлар тайёрланадиган биолабораториясида ишлаганман. Ўшанда ҳар бир экиннинг ўзига хос агротехникани талаб қилишини тушуна бошлагандим. Шунинг далдасида 1999 йили 8 гектар ер олиб, кичик оилавий фермер хўжалигини туздим. Омадми ёки орият кучлилик қилиб, биринчи йилданоқ қаттиқроқ ишлаётганимиз сабаблими, хуллас, ўшандан буён пахтадан ҳам, ғалладан ҳам юқори ҳосил олиб, иқти-

(Давоми 2-бетда).

## ЭЛНИ УЛУҒЛАГАН БУНЁДКОРЛИК

**Одатда вилоятимизга ташриф буюрганлар уни улкан қурилиш майдонига қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса, мустақиллик даврида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Ҳар йили кўплаб уй-жойлар, ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий маданий-маиший бинолар, турли-туман иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.**



Буни Тошкент тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Туман меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати билан қишлоқ хўжалиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Шу туфайли туман, шаҳар ва қишлоқларда, хўжалик ҳамда маҳаллаларда бунёдкорлик ишлари йил бўйи тўхтовсиз давом этмоқда. Меҳнаткашлар деҳқончилик, узумчилик, полизчилик ва бошқа тармоқларда мўл ҳосил етиштириб, юқори даромад олмоқдалар. Унинг муайян қисми ободонлаштириш ишларига сарфланмоқда.

Айни вақтда катта-кичик биноларни халқ удуми, яъни ҳашар йўли билан тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Йил давомида қурилишга молиявий манбалар ҳисобига 4 миллиард 300 миллион сўм сармоя сарфлаш назарда тутилган. Шу маблағ билан 38 та турли иншоотлар қурилади ёки мукаммал таъмирланади. Бу марра муваффақиятли эгалланмоқда. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги яқинлашаётган ҳозирги кунларда

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## ТУМАН БАЙРАМГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

**Ўртачирчиқ тумани марказий маданият уйи ибратли ишга қўл урди. Туманда фаолият юритаётган маданият ходимлари ўртасида кўрик-танлов ташкил этилди.**

Танловнинг шартига кўра, иштирокчилар бадиий савияси юқори, мазмунан бой бўлган байрам сценарийларини тақдим этишлари керак бўлади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ушбу сценарийлар кўриб чиқилиб, энг яхшиси танлаб олинади ва шу асосда туман миқёсида ўтказиладиган Мустақиллик байрами тантаналари саҳналаштирилади.

Бундан ташқари, Мухтор Ашрафий номидаги 12-болалар санъат мактаби ҳамда туман Байналмилал маданият маркази, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари жамоалари байрамга катта тайёргарлик кўришмоқда. Тадбирнинг саҳна кўринишини талаб даражасида ташкил этиш, ёш ижодкор ва санъаткорларни жалб қилиш, бу йилги байрамни ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**Шаҳноза НАЗАРОВА.**

## ФАХРИЙЛАР УЧУН ДОРИ-ДАРМОНЛАР

**Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъзозлаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳозирги асосий вазифалардан биридир.**



Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими Сиҳат-саломатлик йили давлат дастурини бажара бориб, муайян ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 2950 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, 26 минг нафар фронт ортида меҳнат қилганлар, икки минга яқин ёлғиз отахону-онахонлар истиқомат қилишади. Уларнинг аксарияти вақти-вақти билан вилоят марказий шифохонасида саломатликларини тиклаб турадилар. Шуларни инобатга олиб, мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими томонидан 727 минг сўмлик дори-дармонлар хайрия сифатида марказий шифохонага бепул топширилди.

Дориларни жамғарма вилоят кенгашининг раиси Нўъмон Насимов қўлидан қабул қилиб олган марказий тиббиёт масканини бош шифокори, олий тоифали врач Дилором Юсупова шундай деди:

— Биз ушбу шифобахш малҳамлар бу ерда даволанаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган кексаларнинг соғлиқларини тиклашда ёрдам беришига аминмиз.

**Тўхтасин ҒАНИЕВ.**

**Янгийўл шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан «Мустақилликни мустаҳкамлаш ўз қўлимизда» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

## АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ушбу тадбирда мамлакатимизда кечаётган хавфсизлик ва барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг имкониятлари хусусида сўз борди. Шунингдек, ёшлар ҳаракати ва «Ватанпарвар» ташкилоти фаолиятининг моҳияти ҳамда улар эришаётган ютуқлар ҳақидаги савол-жавоблар аскарларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси вилоят бўлими Германиянинг «Сенам» ташкилоти шифокорлари билан биргаликда уч кун давомида Юқоричирчиқ туманида бўлишди.**

Жумладан, улар қишлоқлардаги 839 нафар аҳоли саломатлиги билан танишиб, тиббий кўрикдан ўтказишди. Уч нафар беморда аниқланган касаллик шу ернинг ўзида микрохирургия йўли билан бартараф этилди. Кекса ва ногирон беморларнинг уйларига ташриф буюриб, саломатликлари ўрганилди.

Беморларга дори-дармонлар тарқатилди. Шунингдек, тадбир давомида вилоят ОИТС маркази мутахассислари аҳоли билан суҳбат-учрашувлар ташкил этишди. Тадбир Жанубий Кореянинг «Ёнг-ранг» хайрия ташкилоти таклифига биноан ўтказилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг махсус вакили, ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Цяо Цзунхуай 11 август куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев билан учрашди.**

Музокарада Ўзбекистон-Хитой муносабатлари давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувларга мос равишда изчил ривожланиб бораётгани, ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда фаоллашаётгани қайд этилди. Хусусан, шу йилнинг июлида Тошкентда ўтган Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми кўплаб самарали натижалар билан якунлангани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**



## ЭЛНИ УЛУҒЛАГАН БУНЁДКОРЛИК

қурилиш ишлари кўлами ва суръати кескин ошди. Иншоотларнинг кўпини байрам арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Туман қишлоқларини газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам узлуксиз давом этмоқда. Чунончи, Охунбобоев ва С. Раҳимов номли ширкат хўжаликлари ҳудудларида қурилаётган 3 километр узунликдаги газ тармоғи шу ой охиригача қуриб битказилади. Шундай иншоотларнинг 2,2 километр узунликдаги қисми Ҳасанбой маҳалласида ва 3,8 километри Тўлабий номли ширкат хўжалигида бунёд этилмоқда.

Узунлиги тўрт километрдан ортиқ электр тармоқлари Ҳасанбой маҳалласи, А. Навоий номли ширкат хўжалигининг Олмазор кўчаси ва Т. Мирзаев номли ширкат хўжалигининг Наврўз маҳалласида жадал барпо этилаяпти.

Янги умумтаълим муассасалари қуриш ва мукаммал таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам анча кенг. Ғ. Абдуллаев номли ширкат хўжалигида 208 ўринли, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида 320 ўринли, Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигидаги 315 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, шу хўжаликдаги 750 ўринли касб-ҳунар коллежлари ҳозирданоқ тахт қилиб қўйиляпти. Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигидаги 10-мактабда эса спорт мажмуаси қуриш ниҳоясига етмоқда.

Тумандаги кўпгина маҳаллаларда аҳолига турли хизматлар кўрсатишга мўлжалланган гузарлар барпо этилган. Уларнинг замонавий ва қадимий меъморчилик анъаналари асосида қурилган бинолари маҳаллалар ва ён-атрофга файз киритиб турипти. Айни вақтда шундай иншоотларни қуриш ҳамон давом этмоқда. Қатор маҳаллаларда бунёд этилаётган янги гузарлар республикамиз мустақиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Ғ. Абдуллаев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Раҳбаробод» маҳалласида, М. Фозилов номли ширкат хўжалигидаги гузарлар шулар жумласидандир. Улар байрам кунлари ўз эшикларини очадилар ва хизмат кўрсатишни бошлайдилар.

Бундан ташқари, С. Раҳимов номли ширкат хўжалигида 400 ўринли тўйхона биноси қад кўтарса, жами савдо майдони 30 квадрат метр саҳнли дўконлар, тўртта колонкаси бўлган автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси ҳам ишга туширилади. Уларда ўнлаб фуқаролар иш билан таъминланадилар. Аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бу иншоотларни барпо этиш ташаббускорлари тадбиркорлар эканлиги диққатга сазовордир. Муродбек Исроилов, Матлуба Ҳасанова, Рустам Асқархўжаев, Бахтиёр Ёқубов, Бахтиёр Ҳамидовлар шундай хайрли ишга қўл уриб, туман аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлдилар.

**Собир ҲАМИДОВ.**

***СУРАТДА:** тумандаги 4-кўчма механизациялашган жамлама шўъба корхонаси қурувчи усталари Мирзадавлат Исоқов, Элзод Толипов ва Муҳаммаджон Эргашев иш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Фармон ва ижро*

## ТЕКШИРИШЛАРНИ ЧЕКЛАШ НАЗОРАТНИ СУСАЙТИРИШ ЭМАС

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раисларининг ўринбосарлари, баъзи туманлар ҳудудий комиссияларининг аъзолари иштирок этишди.**

Назорат қилувчи идоралар томонидан текширишларни мувофиқлаштиришнинг биринчи ярим йиллик якунлари кўриб чиқилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар самарадорлигини оширишда вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, Бўка ва Бўстонлиқ туманлари ҳудудий комиссияларининг текширишларни тартибга солиш борасидаги фаолиятига оид ахборотлар тингланди.

Йиғилишни вилоят ҳудудий комиссияси раисининг ўринбосари Нурмуҳаммад Эрбеков олиб борди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлар бирмунча камайиб, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, текширишларни қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил қилишга эътибор кучайтирилмоқда. Чунончи, 2004 йилнинг биринчи ярмида 5208 та текшириш ўтказилган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида 1683 тага камайди.

Ўтган ярим йилда 1249 та хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти текшириб чиқилди. Бу жараёнда кўпгина хўжалик субъектлари ишида тадбиркорлик фаолиятини юритишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг талаблари бузилаётганлиги, бир қатор камчилик ва хатоларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Аниқланган молиявий камчиликлар бўйича 15 миллиард 530 миллион сўмлик молиявий жазо чоралари қўлланилди. Шу ишлар мобайнида бюджет фойдасига 1 миллиард 730 миллион сўм қўшимча маблағ ундирилди. Ўз фаолиятида қонун талаблари бузилишига йўл қўйган 2543 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 55,5 миллион сўм миқдорида жарима ундирилди.

Йиғилишда бир қатор назорат қилувчи идоралар ўтказган текширишларнинг самарадорлиги пасайиб кетганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Айни пайтда белгиланган текширишларни вақтида ўтказмаслик, хўжалик субъектларининг фаолияти чуқур таҳлил қилинмасдан текширишларни тайинлаш ҳоллари юз бермоқда. Натижада хўжалик юритувчи субъектлардан 25 тасида режали текширувлар ўтказилмай қолди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий тадбиркорлик фаолиятига давлат тузилмаларининг ўринсиз аралашувларини чеклаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган олти ойлик якунлар назорат идоралари текширишларни режалаштиришда мана шу талабдан келиб чиққанликларини кўрсатмоқда. Президентимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони талабларига биноан эндиликда текширишларни ўтказиш тартиби жиддий ўзгартирилди.

Вилоят ҳудудий комиссиясининг йиғилишида фармон ижросига мувофиқ тасдиқланган текширишлар режасига айрим ўзгартиришлар киритилди. Айни пайтда бюджет ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзлари бўлмаган 62 та хўжалик юритувчи субъект шу йилнинг текширишлар режа-жадвалидан чиқарилди. Шу муносабат билан солиқ тўловчиларни жорий этилаётган янгиликлардан хабардор қилиш, тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтиришга йиғилиш иштирокчиларининг алоҳида эътибори қаратилди.

Йиғилиш муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

*Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой*

## ЕРНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

содий аҳволимизни мустаҳкамлаб бораяпмиз.

Айниқса, 2001 йили қизиқ бўлди. 4 гектар майдондаги ғалламиз 80 центнердан ҳосил тўкди. Жами 32 тонна дон ўриб-янчиб олдик. Ўзимизга 24 тонна буғдой қолди. Ўшанда «оилавий ғалла мустақиллигига эришдик» деб ҳазиллашган эдик. Бу гап бутун Бекобод туманига тарқаб, анча шов-шув бўлганди.

Қарангки, ўша йилги ҳолат бу йил ҳам такрорланди. 20 гектардаги ғалладан ўзимизга 60 тонна қолди. 45 тоннасини аъзоларга бўлиб бердик. Шундан қайним Абдуллага ҳам 5 тонна теккан эди, уйининг поли нобопроқ эканми, ғаллани кўтаролмай синиб тушибди. Хуллас, ҳамқишлоқларимизга ҳазил-эрмак учун яна гап топилди.

Бу билан нима демоқчиман? Фермерликни шунчаки ҳавас эмас, балки касб деб билган киши қоқилмайди, иши олға босаверади. Иш бошқа, ҳавас бошқа деганларидек, ишлайман деган фермер доимо изланади, ўрганади, интилади. Ҳар ҳолда, мен шундай бўлиши керак, деб ўйлайман.

Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун битта мисол келтирай. 2003 йилнинг охирлари эди чамамда. Ишдан келиб телевизорнинг қулоғини бурадим. Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли ширкат хўжалигида фаолият юритаётган бир фермернинг фаолияти намойиш этилаётган экан. Фермер бўлганим учун қизиқиб қолдим, эринмай кузатдим. Қарангки, пахтачилик ва ғаллачиликни қойилмақом йўлга қўйишдан ташқари, чорвачиликда ҳам бинойидек ютуқларга эришаётган экан. Агар газетада ўқиганимда бунчалик таъсирланмаган бўлармидим. Лекин, нимаики қилаётган бўлса, ҳаммасини ойнаи жаҳонда очиқ-ойдин, аниқ кўрсатишди. Жуда ҳавасим келди. Ҳасаддан эмас, азбаройи ҳавасдан «менинг бу фермердан нимам кам?» деб юбордим.

Ўша кезларда туманимиздаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини тугатиб, негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳақида гап-сўз бўлиб, тендерга тайёргарлик кўрилаётган эди. Бу имкониятдан фойдаланиб қолиш керак. Шу мақсад билан тендерда қатнашишга астойдил киришдим. Омадим чопиб, ғолиблардан бири бўлдим. Менга 41,3 гектар ер тегди. Демак, экин майдонларим икки баравардан ҳам зиёд кенгаядиган бўлди. Қувонганимдан яна 15 кишини ишга таклиф этдим.

Лекин, эл-юртчилик экан, хурсандчилигимизга шерик бўлганлардан ташқари, тақдиримизга тўн бичганлар ҳам бўлди. Айримлар эса, тендерда ютиб олган еримизнинг 12 гектардан кўпроғи нотекис, экин яхши битмайдиган, хуллас, «бўлмағур» ер эканлиги, ундан ҳамма безганлигини айтиб, «энди Зулфия режаларни уддалай олмай, синади» деб бизга ачинишди. Бу пайтда беш йил мустақил фермерлик қилиб, ишнинг баланд-пастини анча тушуниб, ўзимга ишониб қолганим учун, ўша олди-қочди гаплар менга оғир ботди, нафсониятимга тегди. Аммо, ҳужжатлар расмийлаштириб бўлинган, орқага қайтишга йўл йўқ эди. Кечаю кундуз зўр бериб ишлаб, юзни ёруғ қилишдан ўзга чора қолмаганди.

Бутун аъзолар билан бир ёқадан бош чиқариб шундай қилдик. 25 кун деганда, ернинг баланд жойларини суриб, эски ариқларнинг ҳаммасини текислаб ташлаб, сув йўлларини бутунлай ўзгартирдик. Буни кўрган айримлар яна донолик қилишди: «Тупроқнинг устки унумдор қисмини суриб ташлашди, энди бу ерда 3-4 йил ҳосил олиб бўлмайди». Бироқ узунқулоқ гапларга эътибор беришнинг мавриди эмасди. Аввалдан пухта ўйлаб қўйган режамиз бўйича ишни давом эттирдик. Гектарига 10 тоннадан гўнг, 200 килограммдан аммофос сепиб, ҳайдадик. Чигит экиш пайтида 100 килограмм, биринчи ва иккинчи сув билан яна 250-300 килограммдан селитра бердик. Кейинги суғоришларда шарбат усулини қўлладик.

Шундай қилиб, ҳозир «бўлмағур» майдондаги ғўзамизнинг авжи ҳам, етилаётган ҳосил чўғи ҳам туманимизда энг олди десак, муболаға бўлмайди. Олтмиштагача гул, ўн иккитагача йирик кўсак бор. Биздан кулганлар ҳам, ачинганлар ҳам бугун ўша «бўлмағур» ерларимизни четлаб ўтишяпти. Негаки, хижолатлик ҳеч кимга ёқмайди-да.

Энди Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг Мурожаатномасига келсак, унинг айни муддао бўлиб, жуда вақтида эълон қилинганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Мурожаатнома нафақат фермерлар, балки ҳамма пахтакорларни яна бир бор сергак торттириши, август ойи ичи бўшашмай, ҳаракат қилишга ундаши шубҳасиз. Бу жуда зарур. Чунки, одатда биз ғўзанинг бўйи белга тепиб, ҳосилга ишлайдиган август ойигача зўр бериб меҳнат қиламиз-у, бўлиқ кўсаклар шодасини кўриб, кўзимиз қувнаб, хотиржамликка бериламиз. Оқибатда, энг муҳим тадбирлар — ўғитга тўйган экинни сувга ҳам қондириш, ҳосилга ҳосил қўшадиган чеканкани узлуксиз давом эттириш ва айниқса, ҳосилнинг ашаддий кушандалари бўлган кўсак қурти ва ўргимчакканага қарши курашни бўшаштириб юборамиз. Мурожаатнома бизни ана шундай кайфиятдан асрайди.

— Ниятимиз — ўзимизнинг техника саройимизга эга бўлиш, — деди суҳбат пировардида Зулфия Абдураимова. — Ҳозир МТЗ-80, Т-28 ва С-130 (занжирли) тракторларимиз бор. Фермер учун бу кам, албатта. Бу йил яна битта МТЗ-80 ва «Олтой» комбайни сотиб олмоқчимиз.

Фермернинг бу нияти амалга ошишига шубҳа йўқ. Чунки, ҳар йили 10 миллион сўмдан ошириб соф даромад олаётган фермер учун бу муаммо эмас.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ (сурат)**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



***СУРАТДА:** Зулфия Абдураимова (чапда) хўжалик аъзоси Турсуной Тўйчиева билан чеканка сифатини кўздан кечиришмоқда.*

*Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз*

## БУ ҚАНДАЙ ДЕМОКРАТИЯ?

**Кейинги пайтда бирор нуфузли газета, радиоэшиттириш ёки телекўрсатув йўқки, Хонобод аэродроми теварагида бирор-бир фикр баён қилинмаган бўлсин. Бунинг сабаблари бор.**

Ўз вақтида Афғонистонда толибларга қарши ҳарбий операциялар ўтказиш учун ҳукуматимиз АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига шу аэродромдан фойдаланишга рухсат этган эди. Лекин Американинг бугунги хатти-ҳаракати бамисоли бировнинг уйига меҳмонга келиб, шу хонадонда узала тушиб ётиб олиб, унга эгаликни даъво қилувчи «уддабуррон» кишиларнинг хатти-ҳаракатига ўхшаб кетади.

Сир эмас, Афғонистоннинг шимолидаги толиблар базаларига зарба бериш, террористик ҳаракатларнинг пайини қирқиш жараёнида бу аэродромнинг ҳиссаси катта бўлди. Америкаликларнинг ўзлари ҳам буни эътироф этиб, Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларнинг асосий қисми якунланганлигини эълон қилишганига икки йил бўляпти. Лекин, ҳозиргина айтган меҳмонимиз каби уларнинг Хонободдан ўз иззатларича чиқиб кетгилари йўқ.

Ҳукуматимиз ўз вақтида террорчиларга қарши курашда Хонобод аэродромидан фойдаланиш хусусидаги ўзаро шартнома муддати тугаганлиги хусусида Америка томонига бир неча маротаба эслатди. Лекин бу дипломатик ҳаракатлар эътиборсиз қолдириб келинмоқда. Ниҳоят, ўзининг бир томонлама хатти-ҳаракатлари билан АҚШ минтақа мамлакатларининг манфаатлари билан асло ҳисоблашмаслигини, аэродром теварагидаги минглаб одамларнинг маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бефарқ эканлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан етти иқлимда ўзини демократиянинг соябони деб эълон қилган мамлакат раҳбарларига бир савол беришга ҳақлимиз: «Хўш, сиз бу ўринда қандай демократияни назарда тутаяпсиз?» Американинг бугунги хатти-ҳаракати бошқаларни оёқости қилиш ҳисобига ўз таъсирини мустаҳкамлашга интилишдан, мустақил Ўзбекистоннинг ўринли талабини Андижонда юз берган воқеалар билан боғлашга, АҚШга хос демократияни — бировнинг уйига кириб олиб, ўз таъсирини ўтказишга бўлган уринишдан бошқа нарса эмас.

Турли хил иғволар тўқиб, сувни лойқалатишга уриниш ўзининг ғайриинсоний интилишларини хаспўшлашга барҳам бериш вақти келди. Буни айрим давлатдаги сиёсатдонлар қанчалик тез англаб, шунга хос қадам қўйсалар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Биз қадр-қиммат, суверенитет нописандлик билан оёқости қилинишига асло йўл қўя олмаймиз. Хонобод ҳудудидаги аҳолининг эмин-эркин яшашга, ўз хўжалигини йўлга қўйишга, фарзандларини билимдон, меҳнатсевар, заковатли инсонлар қилиб тарбиялашга бўлган ҳуқуқлари бузилмасдир.

**Ҳакимжон ҲОКИМОВ, ўқитувчи.**

## АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

**Андижон воқеалари теварагидаги шов-шувлар ҳамон тўхтамаяпти. Турли «овоз»лар ва «янгилик»лар ўша фожиали кунлар воқеаларини ўзларича шарҳлашни, мустақил юртимиз бошига мағзава ағдаришни давом эттиришаяпти. Бунга айрим нуфузли халқаро ташкилотлар, буюклик дардига мубтало бўлган баъзи давлатларнинг раҳбарлари «оҳанг» бераётгани бугун соф виждонли ҳар қандай кишиларни ҳайратга солмоқда. Аслини олганда, бу ҳийла-найранглар экстремистлар, террорчи гуруҳлар, мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги барқарорликни барбод қилишга уринаётган кучлар тегирмонига сув қуймоқда.**

Албатта, бу воқеаларнинг тагида бир гап ётади. Унинг мағзини агар фойдаси аниқ бўлса, ҳатто, шайтонга ҳам қўл беришга тайёрлик ҳақидаги қадимий бир ақида ташкил этади. Айтмоқчиманки, катта табиий бойликлар захираси, ёнилғи-энергетика манбаларига эга бўлган диёримизга хорижнинг қора ниятли кучлари назар ташламоқда. Уларнинг чинакам режалари минтақамизда бир қадар илдиз отган диний ақидапарастлар, уларга ямашиб кетган террорчилик ҳаракатининг ёвуз интилишлари билан туташиб бораяпти.

Айни шу жиҳат, аввало, Андижон воқеалари содир этилишига олиб келди. Мудҳиш орзулар мустажоб бўлмагач, энди хорижлик пушти-паноҳлар бир гуруҳ ватанфуруш, қотил ва босқинчиларни ҳақиқий, одилона жазодан қутқариб қолиш, улардан «қувғинга олинган ватанпарварлар» сифатида фойдаланиш ниятига тушиб қолишди. Уларни қочоқлар мақомида турли мамлакатларга жойлаштириб, кейинчалик ўз мақсадлари измига солишни орзу қилишяпти.

Буни қарангки, бугун Ироқни қонга ботириб турганлар бу қузғунларни ўз паноҳларига олишаяпти. Туғилиб ўсган юртда бир бора қон тўкилишига сабабчи бўлган ватанфурушлар энди хориждаги манфаатдор кучлар билан ошкора бирлашишаяпти.

Яна мустақил юртимизга, уни ўзига мос йўлдан тинчлик ва фаровонлик сари оғишмай бошлаб бораётган раҳбариятимизга турли бўҳтонлар ёғдиришаётганлигини айтмайсизми? Биз номусли, ориятли халқмиз. Кўп-кўп оғирликларга чидаймиз, лекин бўҳтонларга бефарқ бўла олмаймиз. Ўзини ҳар кимга «маслаҳатчи» қилиб кўрсатишга, демократия ниқоби остида «ақл» ўргатишга интилаётганларга гапимиз битта: «Аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ».

**Мансур МИРЗАЕВ, меҳнат фахрийси, Зангиота тумани.**

## ТЕНДЕР ҒОЛИБИ

**Вилоят шаҳар ва туманларида бунёд этиладиган ижтимоий объектлар қурилиши ва таъмири бўйича навбатдаги тендер савдолари бўлиб ўтди.**

Унда Пскент ва Бўка туманлари марказий шифохоналарини таъмирлаш бўйича 10 дан зиёд қурилиш ташкилотлари ўз таклифларини берди.

Тендер комиссиясининг қарорига кўра ушбу икки объектда 90 кун давомида «Бунёдкор» кўп тармоқли фирма қурилиш ташкилоти ишчилари меҳнат қиладиган бўлди. Шу муддат ичида Пскент тумани марказий шифохонасида 55 миллион сўмлик, Бўка тумани марказий шифохонасида эса 77 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**


**«Toshkent Regional trading» АК**

**ўзининг дўкон, омборлари орқали кенг ассортиментдаги «Самарқанд» чойларини пул ўтказиш ва нақд пулга сотади:**

Тошкент ш. «Марказий омборхона» (Т. 136-14-14)
Ангрен ш. 1-дўкон (Т. 8-266-26158)
Оҳангарон ш. 4-дўкон (Т. 8-264-56-354)
Олмалиқ ш. 22-дўкон (Т. 8-261-33-545)
Чирчиқ ш. 3-дўкон (Т. 8-271-53-073)
Чиноз тумани, Олмазор қўрғони 11-дўкон (Т. 110-94-72)
Бўка тумани, 16-дўкон (Т. 8-257-36-735)
Ўртачирчиқ тумани, Туябўғиз омборхонаси
Юқоричирчиқ тумани, 2-дўкон (Т. 8-298-32-112)

**Бу ўша – ўзимизнинг чой!**

*«Шарқ тароналари – 2005»*

# НАВОСОЗ УЛУСНИНГ НАВОСИ

**Бу йил Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бешинчи бор ўтказилади. Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида бўлиб ўтадиган улкан мусиқа байрамига нафақат бу қадимий ва навқирон шаҳар аҳли, балки республикамизнинг барча санъат намояндалари, ижодкорлар қизғин ҳозирлик кўрмокдалар.**

Самарқанд қадим-қадимдан илм-фан, санъат бешиғи сифатида маълум ва машҳур бўлиб келган. Кўҳна Афросиёб харобаларидан топилган деворий суратларда ҳам созанда ва хонандалар тасвирини кўриш мумкин. Бу эса юртимизда мусиқа санъати минг йиллар аввал тараққий эта бошлаганидан ёрқин далолат беради. Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби буюк аждодларимизнинг мусиқа тарихи ва назарияси масалаларига бағишланган асарлар ёзиб қолдиргани ҳам миллий мусиқа маданиятимиз илдизлари нечоғли теран эканини кўрсатади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали жаҳондаги барча мусиқашунос ва санъат усталарини ҳар икки йилда Самарқандга чорлайди.

Саноқли кунлардан кейин кўҳна Самарқанд яна меҳмонларга қучоқ очади. Яна Регистон узра она диёр, муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва инсонпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, тароналар янграйди.

Давлатимиз раҳбарининг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори»да таъкидланганидек, бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши маърифат асосида курашишда, халқимиз маънавияти, унинг кўп асрлик мусиқа хазинасини бойитишда мазкур фестиваль муҳим ўрин тутади.

– Бу йилги мусиқа анжуманининг ҳар йилгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтиши учун ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқов. – Тайёргарликни баҳорнинг илк ойларидаёқ бошлаган эдик. Ҳозирда Самарқанднинг юраги – кўҳна Регистон майдонида Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссиёр Б.Йўлдошев бошчилигида катта ижодкорлар гуруҳи фестивалнинг очилиш ва ёпилиш тантаналарига ҳозирлик кўрмокда.

Бу йилги мусиқа анжуманининг ўзига хос жиҳати шундаки, у буюк мутафаккир шоир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижодига бағишланади. Маълумки, ўзбек мумтоз куй-қўшиқларининг салмоқли қисми улуғ бобокалонимиз ижоди билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, тарихий манбаларда Алишер Навоийнинг мусиқа илмидан яхшигина хабардор бўлгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Айтиш жоизки, фестивалга ташриф буюрган хорижлик санъаткорлар ўз мусиқа санъатини тарғиб этиш билан бирга, ўзбек халқининг бой маданияти, бетакрор мусиқа санъатидан баҳраманд бўладилар. Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, рўй берган ўзгаришлар билан танишадилар.

Шу ўринда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тарихига бир назар. Муҳтарам Президентимиз жаҳон аҳлини халқимизнинг қадимий маданияти ва ноёб санъати билан таништириш мақсадида Самарқандда Шарқ халқлари мусиқа ва санъат дурдоналари фестивалини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу таклиф ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланди.

1997 йил 26 августда Самарқандда «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивали ташкил этилди. Анжуман кутилганидан ҳам кўтаринки ва юксак даражада ўтди. ЮНЕСКО мутахассисларининг таклифига биноан мазкур фестиваль анъанавий равишда шу ерда ҳар икки йилда ўтказиладиган бўлди.

Биринчи фестивалда 29 мамлакат вақиллари қатнашган бўлса, бу йил дунёнинг 45 дан ортиқ давлатидан санъаткорлар, мусиқашунос олимлар иштирок этиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Япония, Туркия ва Германия сингари мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари мусиқа анжуманини кенг ёритиш истагини билдирган. Бу эса мазкур фестиваль нафақат Шарқ, балки бутун дунё мусиқа мухлисларининг эътиборини тортаётганидан далолат беради.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**



*● Футбол*



# МУҲИМ ҒАЛАБА

**Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати олий табақаси жамоалари 15-тур учрашувини ўтказдилар.**

Вилоятимиз вакили «Металлург» Тошкентда «Трактор»га қарши ўйнади. Қозоғистоннинг «Жетису» жамоасида фаолият кўрсатган тажрибали футболчи Мухтор Қурбонов илк бор «Металлург» таркибида майдонга тушди. 24-дақиқада айнан шу ҳужумчи шериклари ҳаракатини самарали якунлаб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Танаффусдан сўнг Элдор Сакаев шогирдлари ҳужумни бўшаштирмадилар ва 46-дақиқада Камолиддин Мирзаев «Трактор» дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Майдон эгаларининг жавоб тўпини киритиш учун қилган уринишлари 71-дақиқадагина самара берди. «Металлург» сафарда муҳим ғалабани қўлга киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Машъал» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» — 1:0, «Тўпаланг» — «Самарқанд-Д»— 2:1, «Локомотив» — «Нефтчи» — 2:1, «Шўртан» — «Бухоро» — 3:1.

Навбатдаги 16-тур ўйинлари 21 август куни бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Локомотив» билан баҳс юритади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

*● Шундан кейин*

### ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФОИЗЛАР

Бир неча мамлакатларнинг олимлари шоли геноми тадқиқотлари ниҳояланганини маълум қилдилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўсимлик таркибидаги 12 хромосомада 37544 та ген мавжуд экан. Ҳозирча бундай тадқиқ жараёни фақат икки ўсимлик устида ўтказилди. Маълум бўлишича шолини Arabidopsis бегона ўтидан фарқловчи генлар 7 фоизнигина ташкил этаркан, уларнинг тўртдан уч қисми эса мутлақо бир хил бўлиб чиқди.

### ИККИ ЮМУШ БИР ЕЛКАДА

Германиялик ва америкалик олимлар алкоголга чидамлилик ҳамда асабийликка бардош бериш вазифалари битта ген зиммасида эканлигини кашф этдилар.

Пашшада ўтказилган тажрибалар спиртли ичимлик асабийликни босишга кўмаклашишини тасдиқлади. Яқин орадаги кўнгилсизлик эса, ўз навбатида узоқ маст бўлишга йўл қўймас экан.

### КАМСИТИЛИШГА ДОШ БЕРОЛМАЙ

Хельсинкида ўтаётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатида чоршанба куни жанжал чиқди.

Жамоалар ҳисоби бўйича етакчилик қилаётган Америка термасининг икки ёш спринтери — Уоллес Спирмон ва Тайсон Гэй таркибдаги ветеранларнинг ҳақоратомуз муаммосига чидай олмай, биринчиликни тарк этдилар. Биров томонидан камситилиш кимга ёқади дейсиз?

### АСАРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Буюк Британияда жаҳоннинг энг нуфузли адабий танловларидан бири — Man Booker Priz совриндорлигига номзодлар рўйхати эълон қилинди. 2005 йил рўйхатида 17 китоб номи бор. Букмекерлик идоралари тахминларига кўра ғолибликни қўлга киритишда Йен Макьюсининг «Шанба» («Saturday») ҳамда Жулиан Барнснинг «Артур ва Жорж» асарлари имконияти кўпроқ.


«Уч қаҳрамон нон» шўъба корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 1996 йил 2 декабрда Ибрагимов Махмуджон Ахмадович номига берилган АУ-575 рақамли уйга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2002 йилда Юлдашев Қаҳрамон Анварович номига берилган 0520002 рақамли якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан Юлдашев Қаҳрамон Анварович номига берилган «KAFOL» номланган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 2005 йил 31 мартда хусусий тадбиркор Юлдашев Қаҳрамон Анварович номига берилган 1634-1342 рўйхат рақамли, 008494 серияли нозиқ савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


*Мозийдан садо*

# УЛУҒБЕК ЖИЛМАЙДИ

Самарқандда Қулмурод баққол деган савдогар бўларди. Бир замонлар дашти Қипчоқнинг Сиғноқ шаҳридан келиб қолган бу баққол бозор адоғида тижорат билан шуғулланар, ювош-мўмин, бировга зиёни бўлмаган художўй киши эди. Аммо ерлик корчалонлар унга «келгинди» деб ёмон кўз билан қарар, маҳалладагилар ҳам уни камситиб кўпинча маъракаларга қўшмасди.

Мусофирлик охири дўкондорнинг жонига тегиб, ўз элига кетмоқ ниятида султон Улуғбек ҳузурига борди. У пайтлар Самарқандда кўзга кўринган биронта савдогар махсус рухсатномасиз шаҳардан кўчиб кетолмас эди.

— Қиблагоҳ, — деди султоннинг олдида юкуниб дўкондор, — сояи давлатингизда ўттиз йил умргузаронлик қилдик. Энди қулингизга ижозат берсангиз. Ажал элчиси эшик қоқиб турибди. Бир сиқим тупроғимиз бегона элларда қолмасин. Омонатни падарибузрукворлар ила волидаи меҳрибон дафн этилган Сиғноқда топширсам.

Улуғбек ўткир ақли билан баққолнинг нимадандир норози-ю, аммо айтмаётганини пайқади.

— Сабр айланг, — деди у, — уч кундан сўнг рухсати олий бергаймиз.

Дўкондор қуллуқ қилиб чиқиб кетди.

Азонлаб Улуғбек аркони давлат қуршовида бозор айланди. Расталарни томоша қилиб, ҳалиги мусофирнинг дўкони олдида отдан тушди. Баққол билан иссиқ кўришди, ҳол-аҳвол сўради. Сўнг тағин отга ўтирди. Буни кўрган шаҳар катталари, бою баёнлар «Э, Қулмурод баққол султоннинг одамларидан экан-да, аттанг, билмабмиз», деб тил тишлаб қолишди.

Улуғбек дўкондан узоқлашган заҳоти бозордаги ман-ман деган савдогарлар ҳовлиқиб Қулмурод баққолнинг қўлини олгани югурдилар. Шу-шу мусофир дўкондорнинг обрўси ошиб кетди.

Улуғбек дўкондорни ўн кунча кутди. Келавермагач, уни чақиртирди.

— Сизга ижозат бердик, меҳмон, — деди султон, — майли, туққан маконингизга боринг.

Мусофир қўлларини қовуштириб, бош эгди:

— Энди, рухсати олий бўлса, омонатимизни ўзларининг салтанатлари остидаги муборак мамлакатда топширсак, қиблагоҳим...

Улуғбек индамай, кулиб қўйди.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

*Ҳаёт сабоқлари*

# ЭҲ, ОДАМЛАР...



Анорхўжа ишдан толиқиб қайтди. Унинг ҳорғин, тушкун кайфияти оила аъзоларига ҳам таъсир ўтказди. Солиҳа секингина, оёқ учида юриб чой тайёрлади. Куни билан йўлига кўз тикиб ўтирса ҳам бир оғиз сўз қотишга журъати етмасди. Хотинининг қўлидаги овқатни кўриб, Анорхўжа бош чайқади:

— Ҳеч нарса еёлмайман. Қорним тўқ...

Шундагина эрининг кўзларига тикилиб қараган Солиҳа ваҳимага тушиб сўради:

— Ҳа, дадаси, тинчликми?! Нима бўлди?! Рангингиз сарғайиб кетганми?

— Билмадим, хотин, билмадим. Эрталабки мажлисдан сўнг Марайимларникига зиёфатга борган эдик. Ўзинг биласан, бормасам «сен бизни менсимай кетдинг» деб гина қилади. Косада шўрва келди. Менинг косамга нимагадир қошиғи солиб қўйилган эди... Ўзи кўнглимдан ўтувди-я.

Қўйинг, дадаси, дарров тушкунликка тушманг. Бирон нарса ёқмагандир.

— Лекин оғриғига чидаш қийин бўляпти. Мени шифохонага олиб бормасанг бўлмайдиганга ўхшайди. Вужудим ёниб кетяпти.

— Ҳозир, ҳозир. Ахир, дўстларингиз бугун сизни қутлаш учун келишмоқчи эди-ку.

— Дўстларим? Қайсилари?

... Анорхўжа шифохонада уйқу дориси таъсирида анча ухлади. Кўзини очса, тепасида хотини йиғлаб ўтирибди.

— Дадаси, хайрият, ўзингизга келиб қолдингиз. Қўрқитиб юбордингиз-а...

Анорхўжа шифохонанинг шифтига тикилганича чуқур ўйга толди, «Нега одамлар шунчалик худбин бўлиб кетишган?! Ахир, ишчиларнинг ҳақини бировга қандай қилиб бериб юбораман... Наҳотки, шунга... Йўғ-е, унчалик эмасдиров...»

Унинг бундай ўйга боришиш бежиз эмасди. Бир жўраси яқинда катта фирма очиш ниятида эканлиги, шунга анча миқдорда маблағ зарурлигини, агар у ишчиларнинг маошини бир-икки ойга кечиктириб бўлса ҳам ёрдам бериб юборса, бир умрга қиёматли ака-ука бўлиб қолишини айтган эди. Чунки у корхона ишидан яхшигина хабардор, юқорирокда ишонгани ҳам бор эди. Анорхўжа тўсатдан қаддини тиклаб, хотинига юзланди:

— Талъат келдими? У билан гаплашишим керак.

Шу пайт яна кучли оғриқ уни ғужанак қилиб, тўшакда тўлғана бошлади. Унинг нималар деяётганини англаб бўлмасди:

«Ўша, ўшалар қилган, мен буни аниқ биламан»...»

— Нималар деяпсиз, дадаси, ким у, «ўша»ларингиз?

— Йўғе, нима дебман? Ҳеч қандай «ўша»ларни билмайман. Тушундингми?

Хотини унинг алаҳсираб айтган гапларидан нимадир илғагандек бўлди. Лекин хаёлига келган фикрдан ўзи қўрқиб кетди: йўқ, бўлиши мумкин эмас. Бу, ахир, ваҳшийлик-ку!

Ўғли Талъатнинг: «Дада, дадажон, кўзингизни очинг, мен келдим», — деган сўзларини эшитиб, Анорхўжа аранг кўзини очди. У ўз овозини ўзи эшитмас эди.

— Ўғлим, менинг ишимни давом эттир. Ноинсофларга йўл берма. Иҳҳ, вой, куним битиб қолдими, а?! Фақат менинг ўлимимни ҳеч кимдан кўрма, болам. Сезсанг ҳам, сезмаганга ол. Ёдингда тут. Ҳар ишнинг эртами-кечми жавоби бўлади. Бунга, албатта, ўзинг гувоҳ бўласан...

Шундай қилиб, эллик ёшини нишонлаш арафасида Анорхўжа тўсатдан вафот этди. Маъракаларига тумонат одам йиғилди. Унинг фазилатларини айта-айта чарчамаган одамлар «қўққисдан ёпишган дард қўймабди-да» дейишди.

Эшик олдида бел боғлаб, келганлар таъзиясини қабул қилиб турган ўғиллар қаторида бир «бегона», аммо оилавий дўст ҳисобланган жўрасини кейинчалик «жиннисифат бўлиб қолибди, қачон қарама қабристонда тентираб юргани юрган», дея ҳайрон бўлишди. Кўп ўтмай уни Анорхўжанинг қабри ёнида жонсиз ҳолда топишди.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛ қизи.**


## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

| Автотранспорт воситасининг русуми | Бошланғич нархи | Кимошди савдоси ўтказиладиган жой | Кимошди савдоси ўтказиладиган вақт | Автотранспорт сақланаётган жой | Автотранспорт воситасининг техник ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| ПАЗ-3205 1991 й. и/ч ДРБ 11 AS 528 | 1.300.000 сўм | ЖИБ Пскент туман суди. Пскент шаҳри, М.Маликов кўчаси, 1-уй. | 14.09.2005 йил соат 10.00 | Пскент тумани, Т.Полвон кўчаси, ПМК-3 корхонаси | Техник соз ҳолда |
| КАМАЗ-5410 1989 й. и/ч ДРБ 11 AG 691 | 400.000 сўм | ЖИБ Пскент туман суди. Пскент шаҳри, М.Маликов кўчаси, 1-уй. | 14.09.2005 йил соат 10.00 | Пскент тумани, Т. Полвон кўчаси, ПМК-3 корхонаси | Техник носоз ҳолда |

Кимошди савдосида қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда (10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) дастлабки тўловни туман суд ижрочилари бўлинмасининг Пскент АТ «Пахтабанк»даги МФО 00472, ИНН 201122997, 20204000500101008102 сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатлар қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тўхтатилади.

**Маълумот учун манзил:** Пскент тумани суд ижрочилари бўлинмаси.
**Телефон:** 8-254 52-132.



ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

«ХНАК» шўъба жамияти қуйидаги автомашиналарни сотувга қўяди:

| № т/р | Русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | М-412 | 1982 | 11 AI 051 | 211782 |
| 2. | ММЗ-554 | 1990 | 82-93 ТШС | 661384 |
| 3. | ГАЗ-2411 | 1991 | 35-13 ТШС | 282781 |
| 4. | КАВЗ-685 | 1981 | 11 AQ 180 | 633609 |
| 5. | ПАЗ-675 М | 1987 | 11 AQ 183 | 2204327 |
| 6. | ПАЗ-3205 | 1991 | 11 AQ 202 | 760331 |
| 7. | ВАЗ-2121 | 1985 | 11 AI 091 | 327046 |

**Манзил: Тошкент тумани, Келес шаҳри, Кўктерак қишлоғи, Ойбек кўчаси, 42-уй.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745. Адади 2684. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓡ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 2 3 4 5 6